

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЛИМ МАКСИМ ВЯЧЕСЛАВОВИЧ

**БОЛАЛАРДА БРОНХООБСТРУКТИВ СИНДРОМНИ ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2024

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of medical science (DSc)

Лим Максим Вячеславович

Болаларда бронхообструктив синдромни
ташхислаш, даволаш ва олдини олишда
тизимли ёндашув..... 3

Лим Максим Вячеславович

Системный подход к диагностике,
лечению и профилактике бронхообструктивного
синдрома у детей..... 37

Lim Maksim Vyacheslavovich

Systematic approach to the diagnosis,
treatment, and prevention of
broncho-obstructive syndrome in children..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 77

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЛИМ МАКСИМ ВЯЧЕСЛАВОВИЧ

**БОЛАЛАРДА БРОНХООБСТРУКТИВ СИНДРОМНИ ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2024

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертация мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2022.4.DSc/Tib751 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шавази Нурали Мухаммад ўгли
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Овсянников Дмитрий Юрьевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Агзамова Шоира Абдусаламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедова Инобат Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ижевск давлат тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2054 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш илмий
котиби тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болаларда бронхообструктив синдромни (БОС) ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва олдини олиш муаммоси ҳозирги вақтда болалик даври касалликлари тузилмасида алоҳида рол ўйнайди. Бу касалликнинг юқори тарқалиши, унинг такрорий кечиши, эрта ногиронлик ва ўлим хавфи билан боғлиқ. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, "... Бронхиолитнинг 150 млн. ҳолати қайд этилган бўлиб, уларнинг 7-13% стационар даволанишни ва 1-3% интенсив терапия бўлимига ётқизишни талаб қилади"¹. Болаларда бронхообструктив синдром билан намоён бўладиган касалликлар бўйича тадқиқотларнинг илгари тақдим этилган жиҳатлари асосан комплекс ёндашувсиз баҳоланди, бу натижалардан асосий диагностика ва даволаш-профилактика тавсиялари сифатида фойдаланиш қийин бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болаларда БОС нинг турли жиҳатларини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо ҳозирги вақтда анамнестик, этиологик, клиник, иммунологик, биокимёвий, функционал хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек ўткир ва рецидивланган обструктив бронхит, ўткир бронхиолит ва бронхиал астмада атроф-муҳит омилларининг таъсири тўғрисида маълумот тизимлаштирилмаган. Шу муносабат билан болаларда БОС диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг кенг қамровли тизимини яратиш мақсади илмий муаммонинг ечими бўлади.

Мамлакатимизда болалар популяцияси ўртасида соматик касалликларни эрта ташхислаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича қуйидаги вазифалар белгилаб олинди "... оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ва оналарга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқ ва болалар ўлимини камайтириш бўйича кенг кўламли чораларни ишлаб чиқиш...". Шу нуқтаи назардан, ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам доирасида болаларда бронхообструктив синдромнинг аспектларини ўрганиш, сўнгра болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдиган, ногиронлик даражасини пасайтирадиган айниқса, касалликнинг оғир ва такрорий ҳолатлари сонини камайтириш орқали тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.12.2018 йилдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»

Ушбу диссертациянинг тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони № ПФ-60 2022 йил 28 январдаги " 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони № ПФ-5590 2018 йил 7 декабрдаги " Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПҚ-5199 2021 йил 29 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги, шунингдек, бошқа норматив ҳужжатларда асосида бўлиб, ушбу фаолият билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш учун маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.³

Дунёда болаларда бронхообструктив синдромни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг комплекс тизимини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлирида, хусусан: National Institutes of Health (АҚШ), Heidelberg University (Германия), Cochrane Library (Англия), INSERM (Франция), Wellcome Trust Sanger Institute (Англия), All India Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), The University of Tokyo (Япония), Karolinska Institutet (Швеция), Fudan University Shanghai Medical College (Хитой), Россия респиратор жамияти (Россия), Болалар саломатлигини тадқиқот қилувчи миллий тиббиёт маркази (Россия), Harvard University (АҚШ), Ruprecht-Karls-Universität Heidelberg (Германия), Boston University (АҚШ), All India Institute Of Medical Sciences, New Delhi (Ҳиндистон), University of Manchester (Англия), University College London (Англия), Fudan University Shanghai Medical College (Хитой), И.М. Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети, Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети. Хитойда бронхиал астма билан касалланиш кўпайиб, унинг тарқалиши давом этмоқда, тадқиқотчилар касалликни назорат қилиш бўйича диагностик ёндашувлар ва чораларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатишмоқда (Beijing Chao-Yang Hospital, China). Болаларда бронхообструктив синдромга таъсир этувчи хавф омилларини ўрганиш долзарбдир. Аниқланган хавф омилларига қараб даволанишга турли хил реакция билдирган фенотиплар аниқланди (St. Luke's Hospital, USA). Аллергия/яллиғланиш биомаркерлари, назофаренгеал микробиота ва 3 ёшгача такрорий хирилланишнинг ривожланиши бўлган болаларда бронхиолитнинг топилган корреляциялари бронхиал астма ривожланиш хавфи юқори бўлган кичик гуруҳларни аниқлайди (Massachusetts

³ www.nih.gov, www.uni-heidelberg.de, www.cochranelibrary.com, www.ins.fr, www.sanger.ac.uk, www.aiims.edu, www.u-tokyo.ac.jp, www.ki.se, spulmo.ru, www.niip.ru, www.harvard.edu, www.uni-heide.de, www.bu.edu, www.aiims.ed, www.ma.a.uk, www.ucl.ac.uk, www.fudan.edu.cn, www.sechenov.ru, <https://rsmu.ru>, <https://gpmu.org>

General Hospital, Harvard Medical School, Boston, USA). Дунёда ҳавонинг ифлосланиши ва нафас олиш йўллари касалликларининг таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳавонинг ифлосланиши ва болалардаги бронхлардаги ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш шуни кўрсатадики, хириллашсиз беморларда PM10 ва NO₂ таъсири эозинофил ва нейтрофил яллиғланишининг пасайиши билан боғлиқлиги аниқланди. Такрорий хириллаши бўлган болаларда PM10 га таъсир қилиш PM_{2.5} қалинлиги ва эозинофил яллиғланишни ошириб, астма ривожланишига ҳисса қўшади (Environmental Protection and Prevention Agency of the Veneto Region, Venezia, Italy;). Шунингдек, атроф-муҳитдаги PM_{2.5} ва PM₁₀ концентрацияси ва беморлар сони, ҳамда 3 ёшгача бўлган болалар орасида хириллаш билан болалар клиникасига ташриф буюриш частотаси ўртасида сезиларли боғлиқлик- корреляция мавжудлиги аниқланди (Shanghai Jiao Tong University, Shanghai, China.).

Бронхообструктив синдром ташхисини яхшилаш учун бир қатор натижаларга эришилди. Бронхиал астма билан оғриган болаларда ИЛ-1, ИЛ-4, ИЛ-9, ИЛ-17 интерлейкинлари, ўсма некрози омили мавсумий ўзгарувчанликка эга эканлиги, бу эса даволаниш вақтида ҳисобга олиниши керак (University Medical Center Schleswig-Holstein, Lübeck, Germany.). Мактабгача ёшдаги болаларда IgE ва БОС эпизодлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолашда иммуноглобулин кўрсаткичи хириллаш эпизодлари билан ўзаро корреляция қилган (Department of Pediatrics, All India Institute of Medical Sciences, New Delhi, India.). Бронхиал астма билан оғриган болаларда компьютер бронхофонографиясини таҳлил қилиш нафас олишнинг акустик компоненти соғлом болаларга қараганда анча юқори эканлигини аниқланди. Фарқлар паст частотали, ўрта частотали ва юқори частотали диапазонларда аниқланди (ФГАОУ ВО, И.М. Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университети» Москва, Россия). Спирометрия ва мажбурий тебранишлар ёрдамида спектрал эгри индекслари β_2 –агонист ингалациясидан кейин сезиларли даражада ошганлиги аниқланди, ҳамда 5 Гц ва 20 Гц қаршилик ўртасидаги фарқнинг пасайиши билан корреляцияланди. (Department of Pediatrics, Tokai University School of Medicine, Japan.).

Бронхообструктив синдромли болаларни бошқаришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш бўйича бутун дунё бўйлаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: нафас олиш касалликларини прогнослаш, ташхислаш ва даволаш алгоритмларини баҳолаш ва ишлаб чиқиш. Такдим этилган алгоритмлар баҳоланганда, кўпчилиги бронхиал астма (80%), муковисцидоз (12%), бронхиолит (4%) ва болаларда хириллашларга (4%) бағишланган (Great Ormond Street Institute of Child Health, University College London, UK). Нафас олиш товушларини компьютер таҳлили орқали хириллашни аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Сезувчанлик, ўзига хослиги, ижобий прогностик қиймати ва алгоритм салбий прогностик қиймати 100%, 95,7%, 90,3% ва 100%, ўз навбатида, болаларда нафас олиш касалликлари амалиётига жорий этилган (Department of Paediatrics, Minami Wakayama Medical Center, Wakayama, Japan).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда бугунги кунга келиб, жаҳон миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, диагностика алгоритмларини яратиш, бронхообструктив синдромли болаларни даволашнинг самарали усулларини жорий этиш ва касалликнинг қайталанишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ўткир обструктив бронхит, ўткир бронхиолит, рецидивланган обструктив бронхит ва бронхиал астма бир қатор ўхшаш клиник белгиларга эга бўлиб, шу билан бирга лаборатор, инструментал ва функционал хусусиятларда сезиларли фарқлар мавжуд. Касалликнинг намоён бўлиши маълум даражада боланинг ёшига, асосий касалликнинг босқичи ва шаклига, преморбид фонга ва тригер механизмларнинг мавжудлигига боғлиқ (Bacharier L.B. 2019; Chao J.H. 2017; Everard M.L. 2016).

МДХ давлатларида педиатрияда ўта долзарб масала бронхообструктив синдромнинг сурункали шаклга ўтиши бўлиб, бу касалликнинг такрорий кечишига, нафас олиш тизимининг функционал параметрларининг пасайишига ва кардиореспиратор синдромнинг ривожланишига олиб келиши мумкин (Зайцева О.В., 2021; Геппе Н.А. 2021). Шу муносабат билан бронхиал обструкция кечишининг клиникаси ва вариантларини билиш жуда муҳимдир (Баранов А.А., 2019; Мизерницкий 2022; Овсяников Д.Ю. 2017). Нафас олиш органларининг функционал ҳолатини баҳолаш ўпканинг патологик жараёнларининг оғирлиги ва беморларнинг аҳволининг объектив кўрсаткичидир (Лукина О.Ф. 2021). Сўнгги йилларда нафас йўллари касалликлари бўйича индивидуал прогнозлар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш катта амалий қизиқиш уйғотмоқда (Захарова И.А. 2017, Самигуллина Н.В. 2019). Ҳавонинг тозаллиги ва нисбий намлиги кўрсаткичлари ҳолатини, ўпканинг функционал ҳолатини, индукцияланган балғамни, гуморал иммунитетни ва цитокин профилини ўрганиш, турли хил нафас олиш касалликларини даволашга қараб, касаллик механизмларини аниқлашда муҳим жиҳат ҳисобланади (Сидоренко В.Ф. 2020, Яковенко Н.В. 2018).

Мамлакатимизда илмий тадқиқот ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, бронхообструктив синдром кузатилган болаларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини танлаш замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб ва ҳал этилмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Шамсиев Ф.М., 2021; Наврўзова Ш.И. 2020; Азизова Н.Д. 2022, Каримджонов И.А. 2021, Мирсалихова Н.Х. 2020). Ўткир обструктив бронхитдан рецидивланган обструктив бронхитга ўтиш фоизи ортиб бормоқда, стационар даволаниш муддати узайиб ва жонлантириш бўлимларида даволанишга эҳтиёж ортиб бормоқда. (Каримова Н.И., 2022, Бахранов Ш.С., 2022). Бронхообструктив синдром кузатилган беморларда юқоридагиларга асосланиб, диагностика, даволаш ва профилактика чораларини шахсийлаштириш, шубҳасиз, рецидивланган БОС бўлган болалар учун узоқ муддатли прогнозни яхшилашга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ушбу патология бўйича кўплаб тадқиқотлар, бир қатор умумий қабул қилинган стандартлар ва тавсиялар

мавжудлигига карамай, БОС га бўлган ёндашувлар беморларнинг индивидуал хусусиятларига, уларни клиник кўринишига, лаборатор ва инструментал текшириш маълумотларига ва асоратларга мойиллигига қараб фарқ қилиши мумкин. Бронхообструктив синдром ривожланишига, кечишига ва натижасига таъсир этувчи омилларни аниқ башорат қилиш ва объектив ўрганиш болаларда касалликни олдини олиш ва самарали даволаш учун жуда муҳимдир. Диагностик, терапевтик ва профилактика чораларини шахсийлаштириш, шубҳасиз, жараёни рецидив кечишининг узоқ муддатли прогнозини яхшилайти, бу эса болаларда БОСга индивидуал ёндашувини ишлаб чиқишга имкон беради. Шунини ҳисобга олган ҳолда, болаларда БОС диагностикаси, даволаш ва олдини олишга тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш касалликни аниқлашни яхшилашга, бронхиал обструкциянинг барча шакллари даволашга индивидуал ёндашувни ишлаб чиқишга, касалликнинг такрорий эпизодлари сонини ва рецидив шаклларни камайтиришга, болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади, бу эса диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703-сон «Разработка мер по диагностике, лечению и профилактике здоровья матерей и детей с учетом региональных особенностей» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда бронхообструктив синдромни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда бронхообструктив синдром билан кечадиган касалликларнинг клиник-анамнестик хавф кўрсаткичларини аниқлаш;

болаларда бронхообструктив синдром ривожланишида ҳаво ифлосланиши ва нисбий намликнинг ролини баҳолаш;

болаларда бронхообструктив синдромда цитокин ҳолатининг, Е синфидаги иммуноглобулинларнинг ролини аниқлаш;

болаларда бронхообструктив синдромда ажратилган балғам, спирометрия ва модификацияланган бронхофонографиянинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

«болаларда БОС ни даволашга тизимли ёндашув» алгоритминини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

болаларда бронхообструктив синдромнинг прогностик математик моделини ишлаб чиқиш ва қийматини аниқлаш;

болаларда ҳаёт сифатини яхшилаш учун "Стационар-поликлиника-уй" бронхообструктив синдромини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 2020-2023-йилларда ўткир бронхит, ўткир обструктив бронхит, ўткир бронхиолит, рецидивланган обструктив бронхит

ва бронхиал астма билан касалланган ва шифохонага ётқизилган 1 ёшдан 12 ёшгача 240 нафар бола.

Тадқиқотнинг предмети иммунологик текшириш учун беморларнинг қон зардоби, цитологик текшириш учун беморларнинг балғами, микроиклим текширувлари учун атроф-муҳит ҳавоси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, микроиклим, цитологик, функционал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ҳаво ифлосланиш кўрсаткичлари $PM_{2.5} \geq 25,25$ нг/м³, $PM_{10} \geq 30,25$ нг/м³, $НСНО \geq 0,0405$ мг/м³, $TVOC \geq 0,375$ мг/м³ кўпайиши, $RH \leq 31,5\%$ нинг камайиши болаларда бронхообструктив синдром хавфининг башоратчиси эканлиги исботланган;

рецидивланган обструктив бронхит ва бронхиал астмани ривожланиш хавфини аниқлашда: иккинчи гуруҳ болаларида биринчи гуруҳ болалари билан таққослаганда IL-4, IL-6, TNF- α , IgE даражаларининг ўсиши аниқланди (мос равишда 1,8, 1,6, 1,7 ва 2,2 бараварига), $IL-4 \geq 10,9$ пг/мл ($Se=76,7\%$, $Sp=72,5\%$), $IL-6 \geq 22,65$ пг/мл ($Se=73,3\%$, $Sp=71,7\%$), $TNF-\alpha \geq 27,15$ пг/мл ($Se=83,3\%$, $Sp=63,3\%$), $IgE \geq 56,6$ МЕ/мл ($Se=80,3\%$, $Sp=89,2\%$) кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти исботланган;

рецидивланган обструктив бронхит ва бронхиал астма ривожланишининг предикторлари сифатида: балғамдаги эозинофиллар қийматининг ва иккинчи гуруҳ болаларида E:I index биринчи гуруҳ болаларига нисбатан (мос равишда 2,4 ва 1,13 марта) ошиши, балғамдаги эозинофиллар даражаси $\geq 1,95\%$ ($Se=90,8\%$; $Sp=93,3\%$), модификацияланган бронхофонография кўрсаткичи $E:I index \geq 1,78$ ($Se=71,7\%$; $Sp=61,7\%$) эканлиги исботланган;

болаларда касалликнинг рецидив кечишини ривожланиш эҳтимолини баҳолашда бронхообструктив синдромни эрта ташхислаш ва олдини олишнинг математик моделининг ($Se=94,4\%$, $Sp=85,0\%$) юқори диагностик самарадорлиги исботланган;

бронхиал обструкцияси бўлган болаларда "Болаларда БОС ни даволашга тизимли ёндашув" алгоритмининг самарадорлиги (ҳавони намлаш ва тозалаш, гиалурон кислотаси билан бурун инстиляцияси, гиалурон кислотаси, 3% натрий хлорид ва ацетилцистеин билан небулайзер ингаляцияси), E:I индексининг 1,3 баравар, балғамдаги эозинофиллар миқдори 1,4 марта, $PM_{2.5/10}$ 3 марта, $НСНО$, $TVOC$ 1,7-1,9 марта, AQI 2,3 марта пасайиши, RH даражаси 50% га нормаллашиши билан исботланган;

“Стационар-поликлиника-уй” бошқариш тизимининг бронхообструктив синдромда қўлланиши, Asthma Prediction Tool” сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини яхшилашда 31% га, рецидивлар сонини 2,2 баравар камайтириши, бронхиал обструкцияси бўлган болаларда E:I index ни 9% га камайиши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда бронхообструктив синдром ривожланишида ҳавонинг ифлосланиши ва нисбий намлик даражасининг аҳамияти аниқланиб, бу касалликнинг рецидивланган шакллари ривожланишига тўққинлик қилиши асосланган,

болаларда даволаш тактикасини оптималлаштириш ва бронхообструктив синдромнинг мураккаб шакллари давомийлиги ва сонини камайтириш имконини берувчи микроиклимни яхшилаш техникаси асосланган;

БОС эрта ташхислаш ва олдини олиш учун математик модел яратилиб, бронхообструктив синдромнинг биринчи марта аниқланган ва такрорий ҳолатларида уларнинг сонини камайтиришга ёрдам бериши асосланган;

болаларда бронхообструктив синдромни юритишда "Стационар-поликлиника-уй" тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳаёт сифатини яхшилаш ва касалликларнинг қайталанишлар сонини камайтиришига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, ўткир ва рецидивланган обструктив бронхит, бронхиолит, бронхиал астма диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усуллари такомиллаштириш, клиник, микроиклим, цито-иммунологик, функционал ва статистик усуллардан фойдаланиш, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар билан таққослаш, хулоса, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳаво ифлосланиши кўрсаткичлари $PM_{2.5} \geq 25,25$ нг/м³, $PM_{10} \geq 30,25$ нг/м³, $НСНО \geq 0,0405$ мг/м³, $TVOC \geq 0,375$ мг/м³ аниқланди, $RH \leq 31,5\%$ нинг пасайиши болаларда бронхообструктив синдромни башорат қилувчи хавф омили сифатида, балғам таркибида эозинофиллар миқдори $\geq 1.95\%$, ≥ 1.78 РОБ ва БА ривожлантириши предиктори сифатида, $IL-4 \geq 10,9$ пг/мл, $IL-6 \geq 22,65$ пг/мл, $TNF-\alpha \geq 27,15$ пг/мл, $IgE \geq 56,6$ МЕ миқдори РОБ ва БА ривожланишида диагностик аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, E:I index 1,3 баробар, балғамдаги эозинофиллар 1,4 баробар, $PM_{2.5/10}$ нинг 3 баробар, НСНО, TVOC нинг 1,7-1,9 баробар, AQI нинг 2,3 баробар камайиши, "Болаларда БОС ни даволашда тизими ёндашув" алгоритмидан фойдаланганда RH даражасига 50% (ҳавони намлаш ва тозалаш, гиалурон кислотасини бурунга инстиляция қилиш, гиалурон кислотаси, 3% натрий хлорид ва ацетилцистеин билан небулайзер ингальяцияси) меъёрига тушиши, "Стационар-поликлиника-уй" бошқариш тизимининг самарадорлиги бронхообструктив синдромда исботланди, бу эса ҳаёт сифатини яхшилаш "Asthma Prediction Tool" сўровномаси бўйича 31% га, рецидивлар сонини 2,2 барабар камайтириш, шунингдек, бронхиал обструкцияси бўлган болаларда E:I index ни 9% га камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бронхообструктив синдром кузатилган болаларда ҳаво ифлосланиши кўрсаткичлари, балғамдаги эозинофиллар, E:I index, IgE, IL-4, IL-6, TNF- α ларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлашдан иборат бўлиб, бу бизга касалликнинг рецидивланган курсини ривожлантириш хавфни баҳолашнинг математик моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган “Болаларда БОСни даволашда тизимли ёндашув” алгоритми ва “Стационар-поликлиника-ўй” БОС бошқарув тизимидан фойдаланиш натижасида бронхообструктив синдромнинг мураккаб шакллари ва рецидивлар сонини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда бронхообструктив синдром билан кечувчи касалликлар ташхиси, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ҳаво ифлосланиши кўрсаткичларининг исботланган ортиқ ошиши $PM_{2.5} \geq 25,25$ нг/м³, $PM_{10} \geq 30,25$ нг/м³, $НСНО \geq 0,0405$ мг/м³, $TVOC \geq 0,375$ мг/м³, $RH \leq 31,5\%$ га камайиши, бу болаларда бронхообструктив синдром хавфининг башоратчиси сифатида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.07.2023 й.даги №47-у-сонли буйруғи асосида, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиниканинг 19.03.2023 й.даги №158-у -сонли буйруғи ва 13-сонли оилавий поликлиникаганинг 11.10.2023 й.даги №19-сонли буйруғи асосида амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/07-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ҳаво ифлосланишининг тавсия этилган мезонлари болаларда бронхиал обструкцияни ривожланиши учун микроклим хавф омилларини ўз вақтида йўқ қилишга имкон беради, бу эса касалланишни камайтиради ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ўткир респиратор касалликларга чалинган беморларда уйда ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 80 тадан 14 тасида ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичларидан ортиқча эди. Ўтказилган ҳавони тозалаш ва намлантириш комплекси 14 болада бронхообструктив синдром ривожланишининг олдини олиш имконини берган ва шу орқали 14126000 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** ўткир респиратор касалликларга чалинган болаларда бинодаги ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичларини аниқлашни жорий этиш бюджет маблағларини 585500 сўм ва 1 та касал болага 423500 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: РОБ ва БА ривожланиш хавфини аниқлашда кўрсаткичларнинг белгиланган диагностик аҳамияти $IL-4 \geq 10,9$ пг/мл ($Se=76,7\%$, $Sp=72,5\%$), $IL-6 \geq 22,65$ пг/мл ($Se=73,3\%$, $Sp=71,7\%$), $TNF-\alpha \geq 27,15$ пг/мл ($Se=83,3\%$, $Sp=63,3\%$), $IgE \geq 56,6$ МЕ/мл ($Se=80,3\%$, $Sp=89,2\%$), Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.07.2023 й.даги №47-у-сонли буйруғи асосида, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий

поликлиниканинг 19.03.2023 й.даги №158-у -сонли буйруғи ва 13-сонли оилавий поликлиникаганинг 11.10.2023 й.даги №19-сонли буйруғи асосида амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/07-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** РОБ ва БА ни эрта ташхислаш ва олдини олиш учун тавсия этилган иммунологик мезонлар касалликнинг такрорий эпизодлари сонини камайтириши, болаларда бронхообструктив синдромнинг рецидив кечишини ташхислаш ва аниқлашни яхшилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** РОБ ва БА билан касалланган 60 беморни 17 тасида иммунологик параметрлар баҳоланди, кейин "болаларда БОС ни даволашга тизимли ёндашув" алгоритмига мувофиқ даволаш амалга оширилди, бу эса касаллик эпизодларини такрорий ривожланишини олдини олиб, 23077500 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** РОБ ва БА билан оғриган беморларда IL-4, IL-6, TNF- α , IgE кўрсаткичларини аниқлаш жорий этилиши ҳар бир бемор болага бюджет маблағларини 725000 ва 632500 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: балғамдаги эозинофиллар кўрсаткичининг диагностик аҳамияти исботланган даражалари 1,95% (Se=90,8%; Sp=93,3%), модификацияланган бронхофонография индекси E:I index \geq 1,78 (Se=71,7%; Sp=61,7% РОБ ва БА ривожланишининг башоратчилари сифатида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.07.2023 й.даги №47-у-сонли буйруғи асосида, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиниканинг 19.03.2023 й.даги №158-у-сонли буйруғи ва 13-сонли оилавий поликлиникаганинг 11.10.2023 й.даги №19-сонли буйруғи асосида амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/07-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** таклиф этилаётган мезонлар РОБ ва БА ривожланишининг олдини олади, умумий касалланишни камайтириб, болалар ва уларнинг ота-оналарининг ҳаёт сифатини яхшилайдди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ўткир обструктив бронхит билан оғриган 40 бемордан 9 тасида балғамдаги эозинофиллар даражасининг \geq 1,95% ва E:I index \geq 1,78 ошиши аниқланди, бу ўз вақтида даволаш-профилактика чораларини тузатишга, РОБ ва БА нинг олдини олишга имкон берган. Шундай қилиб, 9 та болада йилига камида 3 та касаллик ҳолатларининг олди олинди ва бу иқтисодий самарадорлик 36652500 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** ўткир обструктив бронхит билан оғриган беморларда балғам эозинофилларини ва E:I index аниқлашни жорий этилиши 1 та бемор болага 2175 000 сўм бюджет маблағларини ва 1897500 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: тасдиқланган юқори диагностик самарадорлиги бўлган болаларда бронхообструктив синдромни эрта ташхислаш ва олдини олиш математик моделининг (Se=94,4%, Sp=85,0%) қўллаш касалликнинг рецидив кечишини ривожланиш эҳтимолини баҳолаш Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.07.2023 й.даги №47-у-сонли буйруғи асосида, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиниканинг 19.03.2023 й.даги №158-у-

сонли буйруғи ва 13-сонли оилавий поликлиникаганинг 11.10.2023 й.даги №19-сонли буйруғи асосида амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/07-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** бронхообструктив синдромни эрта ташхислаш ва олдини олиш учун математик моделдан фойдаланиш касалликни камайтириш, прогнозни яхшилаш ва касалликнинг сурункали шаклга утиш олдини олиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ўткир обструктив бронхит ва бронхиолит билан касалланган 120 бемор ишлаб чиқилган математик модел бўйича баҳоланди, бу эса 34 болада рецидив кечишини ўз вақтида аниқлаш ва ривожланишига йўл қўймаслик имконини берди, бу эса 46155000 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** болаларда бронхообструктив синдромни эрта ташхислаш ва олдини олишнинг математик моделини жорий этиш 1 та бемор болага бюджет маблағларини 725000 сўм ва 632500 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

бешинчи илмий янгилик: бронхиал обструкцияси бўлган болаларда "Болаларда БОС ни даволашга тизимли ёндашув" алгоритмининг самарадорлиги (ҳавони намлаш ва тозалаш, гиалурон кислотаси билан бурун инстиляцияси, гиалурон кислотаси, 3% натрий хлорид ва ацетилцистеин билан небулайзер ингаляцияси), E:I индексининг 1,3 баравар, балғамдаги эозинофиллар миқдори 1,4 марта, РМ 2.5/10 3 марта, НСНО, TVOC 1,7-1,9 марта, AQI 2,3 марта пасайиши, RH даражаси 50% га тушишни меъёрий кўрсаткичлари Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.07.2023 й.даги №47-у-сонли буйруғи асосида, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиникаганинг 19.03.2023 й.даги №158-у -сонли буйруғи ва 13-сонли оилавий поликлиникаганинг 11.10.2023 й.даги №19-сонли буйруғи асосида амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/07-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** болаларда бронхообструктив синдромга индивидуал ёндашув боланинг ҳаёт сифатини яхшилаши, касалликнинг сурункали ва рецидив шакллари сонини камайтириши, касалликнинг прогнозини яхшилаши мумкин. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** стационар даволаниш босқичида ўткир ва қайталанувчи бронхообструктив синдромли 80 нафар бемор амалга оширилган алгоритм бўйича даволанди, бу эса касалхонага ётқизиш вақтини ўртача 1,5 кунга қисқартиришга олиб келган ва бу 32580000 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** ўткир ва қайталанувчи бронхообструктив синдромли болаларда "Болаларда БОС касаллигини даволашга тизимли ёндашув" алгоритминини қўллаш 1 та бемор болага 217 500 сўм бюджет маблағларини ва 189750 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

олтинчи илмий янгилик: "Стационар-поликлиника-уй" бронхообструктив синдромини бошқариш учун ишлаб чиқилган тизим бронхиал обструкцияси бўлган болаларда "Asthma Prediction Tool" сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини 31 фоизга яхшилаш, рецидивлар сонини

2,2 баравар камайтириш, шунингдек, E:I index ни болаларда 9% га камайтириш имконини Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.07.2023 й.даги №47-у-сонли буйруғи асосида, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиниканинг 19.03.2023 й.даги №158-у -сонли буйруғи ва 13-сонли оилавий поликлиникагагининг 11.10.2023 й.даги №19-сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/07-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** стационар-поликлиника ва амбулатория шароитида болаларда бронхообструктив синдромни бошқаришнинг комплекс тизимини жорий этиш, даволанишнинг барча босқичларида узлуксизликни таъминлашга ва ота-оналарнинг тиббий ёрдамдан қониқишини оширишга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** стационар даволаниш босқичида рецидивланган обструктив бронхит ва бронхиал астма билан оғриган 40 нафар бемор, поликлиника тузилмасида, шунингдек уйда диспансер кузатуви “Стационар-поликлиника-уй” бронхообструктив синдромини бошқариш тизимида мувофиқ даволанди ва кузатилди, натижада 23 нафар болада касалликнинг қайталаниши такрорланмаган, бу эса 31222500 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** қайталанувчи обструктив бронхит ва бронхиал астма билан оғриган болаларда “Стационар-поликлиника-уй” бронхообструктив синдромини бошқариш тизимининг жорий этилиши ҳар бир бемор болага бюджет маблағларини 725000 сўм ва 632500 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 22 таси журнал мақолалари, шу жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда нашр этилган, 3 таси Scopus.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, еттига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотларнинг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси доирасида илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалий тиббиётда тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Болаларда бронхообструктив синдром, муаммонинг ҳозирги ҳолати**» бронхообструктив синдром муаммоси, этиопатоген, клиник, лаборатор ва функционал хусусиятларнинг замонавий жиҳатлари, шунингдек, болаларда касалликнинг кечишида атмосфера ҳавосининг роли ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқишга бағишланган.

Иккинчи бобида «**Клиник материалнинг хусусиятлари ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари**» тадқиқот дизайни, клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усулларни ўз ичига олади, ҳамда тадқиқот методологиясини тавсифлайди.

240 та болаларнинг истиқболли текшируви ўтказилди, улар 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳ-ўткир обструктив бронхит, ўткир бронхиолит билан оғриган беморлар (120 бемор), стандарт терапия ва тавсия этилган даволаш усулини олган, улар ўз навбатда 2 кичик гуруҳга бўлинган: Ia кичик гуруҳи (60) – стандарт даволаш қабул қилган, Ib кичик гуруҳи (60) – “Болаларда БОС ни бошқаришга тизимли ёндашув” ишлаб чиқилган алгоритм бўйича даволанган.; II гуруҳ – рецидивланган обструктив бронхит ва бронхиал астма бўлган болалар (60 та бемор), булар ҳам 2 та кичик гуруҳга бўлинган (30 тадан бемор): IIa кичик гуруҳи (30) – стандарт терапия олди, IIб кичик гуруҳи (30) - ишлаб чиқилган “болаларда БОС ни бошқаришга тизимли ёндашув” алгоритми бўйича даволанди; III гуруҳ - бронхиал обструкциясиз ўткир бронхит билан оғриган беморлар (60 та бемор).

Текширув умумий қабул қилинган клиник, лаборатор ва инструментал усуллар, шунингдек махсус усуллар ёрдамида амалга оширилди: балғамни таҳлил қилиш микроскопик усулда, ҳаво сифатини баҳолаш газ анализатори, ҳарорат Кўрсаткичлари (°C), нисбий намлик (RH,%), CO (ppm), CO₂ (ppm), чанг заррача таркиби PM 2.5 (нг/м³), PM 10 (нг/м³), HCHO-формалдегид (мг/м³), TVOC-учувчи органик бирикмалар (мг/м³), AQI- ҳаво сифати индекси аниқланди; E:I index ни ҳисоблаш йўли билан модификацияланган бронхофонография амалга оширилиб, қон зардобиди иммуноглобулинлар (Ig) E синфи, IL-4, IL-6 TNF-α цитокинларини миқдорий аниқланди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда дисперсияни бир факторли ўзгарувчан таҳлил қилиш усули (ANOVA), χ^2 Пирсона мезони Йейтснинг узлуксизлик тузатиши ва (ёки) Фишернинг аниқ мезони (F - мезон) ишлатилган. Хавфнинг коэффицент нисбати (OR), сезгирлиги (Se) ва ўзига хослиги (Sp) аниқланди, натижалари ROC эгри чизиқлари ёрдамида

талқин қилинди. Иккилик логистик регрессия усулидан фойдаланиб, БОС ривожланиш хавфи прогнози қилинган ва бунинг учун прогнозлаш математик модели тузилган

III бобда «**Болаларда бронхообструктив синдром шаклланишининг триггер механизмларининг қиёсий хусусиятлари**» бронхообструктив синдромнинг ривожланишида иштирок этадиган сабабий аҳамиятга эга омилларни тавсифлайди. Преморбид фонини, оила тарихини, беморларнинг оналарининг акушерлик ва гинекологик анамнезини қиёсий таҳлил қилиш асосида, I ва III гуруҳ беморларида касалликнинг клиник кўринишини бронхиал обструкция ривожланишининг муҳим триггер омиллар аниқланди ва булар асосида «Болаларда бронхообструктив синдромни ривожланиш хавф шкаласи» (1-жадвал) ишлаб чиқилган.

Жадвал 1.

Болаларда бронхообструктив синдром ривожланиши учун хавф шкаласи

БОС предиктори	OR	ДИ min (95%)	ДИ max (95%)	Балл
Сунъий озиклантириш	3,50	1,69	7,24	2
Рахит	2,02	1,05	3,87	1
Ортиқча вазн	2,43	1,08	5,45	1
Аллергик касалликлар	2,19	1,09	4,42	1
Ота-она тарафдан атопия	10,23	3,02	34,66	4
Нафас олиш аъзолари патологияси	2,09	1,06	4,14	1
Онада сурункали касалилкларнинг кўзғалиши	2,09	1,02	4,29	1
Касалликнинг биринчи эпизодининг ёши - 1 ёшгача	2,10	1,12	3,95	1
Иситмани йўқлиги	4,73	2,32	9,64	2
Катарал синдром йўқлиги	8,83	2,03	38,45	3
Балларнинг максимал қиймати:	17			

Шкаладан фойдаланиш учун шкаланинг тақдим етилган 10 та омилининг ҳар бири баҳоланади ва агар белги мавжуд бўлса, тегишли балл қўйилади. Олинган баллар умумлаштирилади, болаларда БОС ривожланиш хавфи тўғрисида хулоса чиқарилади ва қуйидаги талқин бўйича беморларни кузатиш бўйича тавсиялар берилади:

0-3 балл - БОС ривожланиш хавфи жуда паст, қўшимча терапевтик, диагностика ёки профилактика чоралари талаб қилинмайди; 4-6 балл - БОС ривожланиш хавфи паст, қўшимча терапевтик ва диагностика чоралари талаб қилинмайди, қайта баҳолаш учун ҳар 6 ойда бир марта тиббий текширувдан ўтиш керак; 7-10 балл - БОС ривожланишининг ўртача хавфи, ихтисослашган муассасада чуқурлаштирилган текширувдан ўтиш керак; >10 балл - БОС ривожланиш хавфи юқори, такрорий курс, ихтисослаштирилган муассасада чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш керак.

IV бобда «**Болаларда бронхообструктив синдромнинг ривожланиши ва кечишида микроклим кўрсаткичларининг таъсирини баҳолаш**» болаларда БОС ривожланиши ва кечишида ҳаво тозаллиги ва нисбий

намликнинг асосий кўрсаткичларининг аҳамияти баҳоланди. Текширилган гуруҳлар палатасида ҳаво тозалиги ва намлиги кўрсаткичлари таҳлили аниқланди (2-жадвал).

Жадвал 2.

I-III гуруҳ беморлар палатасида ҳаво тозалиги ва нисбий намликни қиёсий таҳлили

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ		II гуруҳ		III гуруҳ		ANOVA (P)
		M	m	M	m	M	m	
1	PM 2.5 (нг/м3)	23,03	0,62	23,85	0,86	23,12	0,94	0,994
2	PM 10 (нг/м3)	25,44	0,68	25,87	0,92	25,32	0,94	0,988
3	НСНО (мг/м3)	0,035	0,001	0,034	0,001	0,034	0,001	0,902
4	TVOC (мг/м3)	0,27	0,01	0,27	0,01	0,26	0,01	0,763
5	AQI	44,31	1,27	43,50	1,86	44,10	1,75	0,934
6	t°C	23,93	0,23	23,95	0,33	23,82	0,31	0,947
7	CO (ppm)	1,64	0,04	1,72	0,06	1,62	0,06	0,478
8	CO ₂ (ppm)	964,68	24,16	960,25	32,60	972,40	37,00	0,968
9	RH (%)	34,88	0,91	35,90	1,31	36,03	1,28	0,703

Изоҳ: P - дисперсияни таҳлил қилишда фарқларнинг ишончилиги.

Таҳлил шуни кўрсатдики, I-II-III гуруҳлардаги беморларда микроклим параметрларида сезиларли фарқлар йўқ (P=0,478-0,994). Шундай қилиб, касалхонага ётқизилгандан сўнг, барча текширилган беморлар гуруҳлари палаталардаги микроклимнинг нисбатан ўхшаш кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланди.

Жадвал 3.

I ва II гуруҳ беморларида уйдаги ҳаво тозалиги ва нисбий намликни қиёсий таҳлили

№	Показатели	I гуруҳ		II гуруҳ		III гуруҳ		P
		M	m	M	m	M	m	
1	PM 2.5 (нг/м3)	21,47	0,73	27,89	0,73	17,16	0,75	*, #, ^
2	PM 10 (нг/м3)	26,13	0,85	35,33	0,91	21,03	0,83	*, #, ^
3	НСНО (мг/м3)	0,035	0,001	0,049	0,001	0,031	0,001	*, #, ^
4	TVOC (мг/м3)	0,28	0,01	0,42	0,01	0,24	0,01	*, #, ^
5	AQI	45,47	1,52	58,70	1,99	40,53	1,60	*, #, ^
6	t°C	23,98	0,41	24,35	0,40	24,70	0,54	
7	CO (ppm)	1,69	0,05	2,40	0,17	1,83	0,06	*, #, ^
8	CO ₂ (ppm)	1005,87	31,21	947,13	42,17	1054,05	41,70	
9	RH (%)	34,37	0,38	30,63	0,99	38,28	0,62	*, #, ^


Изоҳ: *, #, ^ – I ва II, I ва III, II ва III гуруҳ беморлари ўртасидаги кўрсаткичлар фарқининг ишончилиги P<0,05

Микроклиматик омилларнинг узоқ муддатли таъсирининг БОС ривожланиши, кечиши ва прогнозига аҳамиятини аниқлаш мақсадида барча

гуруҳ беморларининг уй шароитида ҳаво тозалиги ва нисбий намлик кўрсаткичлари ўрганилди.

Барча ўрганилган гуруҳ беморларининг уй шароитидаги таҳлили (3-жадвал) ҳаво тозалиги ва нисбий намлик кўрсаткичлари бўйича бир қатор ишончли аҳамиятли фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Шундай қилиб, майда дисперс чанг (PM 2.5, PM 10), формалдегид (НСНО), учувчи органик бирикмалар (TVOC), углерод оксиди (СО) концентрацияси ва ҳаво сифати индекси (AQI) II гуруҳ беморларининг уй шароитида I ва III гуруҳларга нисбатан юқори эди. Шунингдек, I гуруҳ беморларида бу кўрсаткичлар III гуруҳга нисбатан юқори эканлиги кузатилди ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$). Беморларнинг хоналарида ҳарорат ($t^{\circ}\text{C}$) ва карбонат ангидрид (CO_2) концентрацияси нисбатан бир хил эди ($P > 0,5$; $P > 0,2$).

PM 2.5, PM 10, НСНО, TVOC, RH, AQI, CO_2 ни аниқлашнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги, шунингдек, БОСнинг такрорий шакллари ривожланиш хавфини аниқлашда ҳарорат ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш учун I ва II гуруҳ беморларида ROC эгри чизиғи тузилган. РОБ ва БА билан оғриган болаларда микроиклим кўрсаткичларининг диагностика ва прогноз қийматини аниқлашда ROC таҳлилини қўллашни кўрсатиш учун PM 2.5 параметри мисолида ушбу статистик усулнинг график ва рақамли кўриниши келтирилган (1-расм).



Расм 1. Бемор PM 2.5 ($AUC=0,776$) уйдаги ҳавода ROC эгри диагностика самарадорлиги

Ушбу тадқиқотда эгри чизик остидаги майдон (AUC) 0,776 га тенг бўлиб, бу усулнинг юқори диагностика самарадорлигини кўрсатади.

Болаларда РОБ ва БА ривожланиш хавфини аниқлашда PM 2.5 кўрсаткичининг диагностика аҳамияти $\geq 25,25$ $\text{нг}/\text{м}^3$ бўлиб, сезувчанлик (Se) 70,0% ва ўзига хослик (Sp) 73,3% ни ташкил этганлиги аниқланди. Шу

тариқа, тадқиқот натижасида уй шароитидаги РМ 2.5 заррачаларининг концентрацияси РОБ ва БА ривожланиш хавфини аниқлашда сезгир ва ўзига хос маркер эканлиги аниқланди.

БА ва РОБ билан оғриган беморларнинг уйларидаги ҳаво микроклим параметрларини аниқлашнинг диагностика ва прогноз аҳамиятини баҳолаш учун ўтказилган ROC эгри чизиқларини таҳлил қилиш (4-жадвал) шундан далолат берадики, БА ва РОБ ривожланиш хавфини аниқлашда РМ $10 \geq 30,25$ нг/м^3 , НСНО $\geq 0,053$ мг/м^3 , TVOC $\geq 0,375$ мг/м^3 , RH $\leq 31,5\%$, шунингдек, чанг заррачалари РМ $2,5 \geq 25,25$ нг/м^3 даражасини аниқлаш энг катта ўзига хослик ва сезувчанликка эга. Ҳароратни аниқлаш эса паст диагностик аҳамиятга эга бўлиб (AUC=0,547), паст сезувчанлик ва ўзига хосликни (62,5%; 51,1%) кўрсатди.

Бирок, болаларда БОС ривожланиш хавфини аниқлаш учун ўтказилган ROC таҳлили шуни кўрсатдики (5-жадвал), Кўпчилик параметрлар БОС ривожланиш хавфини аниқлашда паст сезувчанлик ва ўзига хосликка эга. Фақат RH $\leq 36,5$ мг/м^3 кўрсаткичи Se 62,5% ни, AQI $\geq 44,5$ эса Sp 72,5% ни кўрсатди.

Жадвал 4.

БА ва РОБ ривожланиш хавфини аниқлашда беморларда уйдаги ҳаводаги микроклим параметрларининг диагностик аҳамиятини ROC-таҳлилининг якуний жадвали

№	Беморлар уйида ҳаводаги микроклим параметрлари	Диагност. қиймати	AUC	Se (%)	Sp (%)
1	PM 2.5 (нг/м^3)	$\geq 25,25$	0,776	70,0	73,3
2	PM 10 (нг/м^3)	$\geq 30,25$	0,813	72,5	74,4
3	НСНО (мг/м^3)	$\geq 0,0405$	0,868	87,5	76,7
4	TVOC (мг/м^3)	$\geq 0,375$	0,892	75,0	86,7
5	AQI	$\geq 52,5$	0,736	65,0	70,0
6	RH (%)	$\leq 31,5$	0,926	85,0	76,7
7	Температура ($^{\circ}\text{C}$)	$\leq 23,5$	0,547	62,5	51,1

Жадвал 5.

Болаларда БОС ривожланиш хавфини аниқлашда беморларнинг уйлари ҳавосидаги микроклим параметрларининг диагностик аҳамиятини ROC-таҳлилининг якуний жадвали.

№	Беморлар уйида ҳаводаги микроклим параметрлари	Диагност. қиймати	AUC	Se (%)	Sp (%)
1	PM 2.5 (нг/м^3)	$\geq 18,5$	0,683	62,2	62,5
2	PM 10 (нг/м^3)	$\geq 22,5$	0,686	65,6	62,5
3	НСНО (мг/м^3)	$\geq 0,0315$	0,607	62,2	57,5
4	TVOC (мг/м^3)	$\geq 0,255$	0,600	57,8	57,5
5	AQI	$\geq 44,5$	0,613	58,9	72,5
6	RH (%)	$\leq 36,5$	0,754	70,0	62,5
7	Температура ($^{\circ}\text{C}$)	$\leq 23,5$	0,559	51,1	52,5

V бобда «Болаларда бронхообструктив синдром ташхисига тизимли ёндашув» болаларда БОС ривожланиши ва кечишида гуморал иммунитет,

цитокин статуси, индукцияланган балғам ва функционал диагностика усулларининг диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилди.

